

Амалдаги Низом асосида иш кўрувчи, кейинчалик “Етказиб берувчи” деб юритилувчи “Мустахкам Тех” МЧЖ номидан раҳбар **А.Хакимов** бир томондан ва амалдаги Низом асосида иш кўрувчи, кейинчалик “Буюртмачи” деб юритилувчи Улугнор туман хокимлиги номидан раҳбари **А.Хамракулов** иккинчи томондан мазкур шартномани қуйидагилар тўғрисида туздилар:

№	Махсулот (товар) номи	Основные характеристики	Ўлчов бирлиги	Микдори	Нархи	Сумма
1	Фудболка	Беш ташаббус логатипи туширилган оқ фудболка	ШТ	300	21000	6 300 000
2	Кепка	Беш ташаббус логатипи туширилган оқ кепка	ШТ	300	27000	8 100 000
	ЖАМИ					14 400000

1. Шартнома предмети

1.1 « Етказиб берувчи » мазкур шартнома бўйича «Буюртмаси»га ўзаро келишилган микдорда ва муддатларда шартноманинг умумий қиймагидан ошмаган суммадаги мазкур шартномада кўрсатилган хизматларни кўрсатиш, «Буюртмачи» эса етказиб берилган хизматларни қабул қилиб олиб, пул ўтказиш йўли орқали ҳисоб-китоб қилиш мажбуриятини олади.

2. Шартнома қиймати ва ҳисоб-китоб тартиби

2.1 Мазкур шартноманинг баҳоси **14 400 0000 (Ўн тўрт миллион тўрт юз минг)** сўми ташкил этади. Етказиб бериладиган махсулотлар қуйидагича:

2.2 Ҳисоб-китоб «Буюртмачи» томонидан пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

2.3 «Буюртмачи» етказиб бериладиган махсулотларнинг умумий суммасининг 30%,ни олдиндан аванс тарикасида «Етказиб берувчи» нинг ҳисоб рақамига ўтказиб беради.

2.4 Қолган 70% ни «Етказиб берувчи» томонидан етказиб берилган махсулотларнинг ҳисоб-варақ фактуралари асосида ўтказиб беради.

2.5 «Буюртмачи» томонидан 30 % олдиндан тўлов амалга оширилгандан сўн «Етказиб берувчи» 3 кун давомида мазкур шартномада кўрсатилган микдорда ва нархларда Давлат стандарти, гигиена талабларига жавоб берадиган махсулотларни «Буюртмачи» га етказиб беради.

2.6 Махсулотларни етказиб бериш харажати «Етказиб берувчи» ҳисобидан қопланади.

3.Томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

3.1 «Буюртмачи»нинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари:

«Етказиб берувчи»дан шартномани бажариш учун зарур бўлган амалдаги давлат стандартлари ва бошқа норматив ҳужжатлар билан таъминлашни талаб қилиш;

«Етказиб берувчи» дан мазкур шартномага мувофиқ бериладиган буюртманомага асосан тегишли сифат, ассортиментдаги махсулотларни етказиб берилишини талаб қилиш;

Мазкур шартнома шартлари бажарилмаганлиги ёки зарур даражада бажарилмаганлиги натижасида етказилган зарар қопланишини «Етказиб берувчи» дан талаб қилиш;

Ўз буюртманомаси бўйича етказиб берилган махсулотларни мазкур шартномага мувофиқ қабул қилиш;

3.2 “ Етказиб берувчи ” қуйидаги ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга:

Етказиб берилган махсулотлар учун олдиндан ҳақ тўланишини ва амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва ҳажмда узиликесил ҳисоб қилинишини “Буюртмачи”дан талаб қилиш.

4.Томонларнинг жавобгарлиги

4.1 Шартномани бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун тарафларнинг жавобгарлиги-Тарафлардан бири шартнома мажбуриятларини бажармаган ёки лозим даражада бажармаган тақдирда, бу тараф: бошқа тарафга етказилган зарарни тўлайди; Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига, Ўз.Рес.29.08.1998 й №670-І-сон Қонунида, ўзга қонун ҳужжатларида ва шартномада назарда тутилган тартибда бошқача тарзда жавобгар бўлади.

Агар қонун ҳужжатларида ёки шартномада бошқа тартиб назарда тутилган бўлмаса, шартномани бажармаганлик ва лозим даражада бажармаганлик учун Ўз.Рес.29.08.1998 й №670-І-сон Қонуннинг 25-32-моддаларида назарда тутилган жавобгарлик қоралари қўлланилади

4.2 Товарларни етказиб бериш муддатларини кечиктириб юборганлик, тўлиқ етказиб бермаганлик, ишларни бажармаганлик ёки хизмат кўрсатмаганлик учун жавобгарлик- Товарларни етказиб бериш муддатлари кечиктириб юборилган, тўлиқ етказиб берилмаган ҳолларда товар Етказиб берувчи, буюртмачига кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи микдорда пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси етказиб берилмаган товарлар, бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар баҳосининг 50 фоизидан ошиб кетмаслиги лозим. Пеняни тўлаш шартнома мажбуриятларини бузган тарафни товарларни етказиб бериш муддатларини кечиктириб юбориш, тўлиқ етказиб бермаслик, ишларни бажармаслик ёки хизматларни кўрсатмаслик оқибатида етказилган зарарни қоплашдан озод этмайди.

4.3 Сифати, ассортименти ва нави лозим даражада бўлмаган товарларни (ишларни, хизматларни) етказиб берганлик учун жавобгарлик- Агар етказиб берилган товарлар сифати, ассортименти қонун ҳужжатларида ёки шартномасида белгиланган бошқа мажбурий шартларга

мос келмаса, буюртмачи товарларни қабул қилиш ҳамда уларнинг ҳақини тўлашни рад этиб, Етказиб берувчидан сифати, ассортимент ва нави лозим даражада бўлмаган товарлар қийматининг 20 фоизи миқдорда жарима ундириб олишга, агар товарлар ҳақи тўлаб қўйилган бўлса, тўланган суммани белгиланган тартибда қайтаришни талаб қилишга ҳақлидир. Сифати, ассортимент ва нави лозим даражада бўлмаган товарлар етказиб берганлик учун жарима Етказиб берувчидан акцептсиз тартибда ундириб олинади.

4.4 Бут бўлмаган товарларни етказиб берганлик учун жавобгарлик- Бут бўлмаган товарлар етказиб берилган тақдирда буюртмачи: товарларни бутлаб беришни талаб қилишга ҳақли. Етказиб берувчи буюртмачининг талабини олган пайтдан бошлаб, агар тарафларнинг келишувида ўзга муддат белгиланган бўлмаса, ўн беш кунлик муддат ичида товарларни бутлаб бериши шарт; бундан буён товарлар бутлаб берилгунга қадар уларнинг ҳақини тўлашдан бош тортишга, агар товарларнинг ҳақи тўлаб қўйилган бўлса, белгиланган тартибда тўланган суммалар қайтарилишини талаб қилишга ҳақли; етишмаётган қисмлар қийматини қўшган ҳолда, Етказиб берувчидан бут бўлмаган товарлар қийматининг 20 фоизи миқдорда жарима ундиришга ҳақли.

Товарларни Етказиб берувчи белгиланган муддатда товарларни бутлаб бермаса, буюртмачи бут бўлмаган товарларни қайтариб беришга ҳамда бут бўлмаган товарларни бут товарларга алмаштиришни талаб қилишга ҳақлидир.

4.5 Товарларни танлаб олмаслик ёки уни рад этганлик учун жавобгарлик-Товарларни танлаб олмаслик, шунингдек Етказиб берувчи шартномада белгиланган муддатда (даврда) уларни етказиб берганда товарларни олишни асоссиз равишда рад этганлик учун буюртмачи Бажарувчига танлаб олинмаган (ўз муддатида олинмаган) товарлар қийматининг 5 фоизи миқдорда, тез бузиладиган товарлар бўйича эса - 10 фоиз миқдорда жарима тўлайди.

Товарлар танлаб олинмаган (олиш асоссиз рад этилган) ҳолларда, Етказиб берувчичи жарима ундиришдан ташқари, ушбу товарлар мавжудлигининг кафолатларини тақдим этган ҳолда, танлаб олинмаган (ўз муддатида олинмаган) товарлар қиймати тўланишини талаб қилишга ҳақлидир.

4.6 Товарлар (ишлар, хизматлар) ҳақини тўламаганлик ёки ўз вақтида тўламаганлик учун жавобгарлик- товарлар ҳақини тўлашдан бош торгганлик (тўлов топшириқномасини тақдим этмаганлик ва ҳоказо) учун харидор маҳсулот Етказиб берувчи га ўзи тўлашни рад этган ёки бош торгган сумманинг 15 фоизи миқдорда жарима тўлайди. Етказиб берилган товарлар ҳақини ўз вақтида тўламаганлик учун буюртмачи Етказиб берувчига ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдорда, аммо кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорда пеня тўлайди.

5. Низоларни ҳал этиш тартиби

5.1 Шартномани тузиш, бажариш, ўзгартириш ва бекор қилиш вақтида тарафлар ўртасида келиб чиқадиган низолар, шунингдек етказилган зарарни қоплаш тўғрисидаги низолар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда хўжалик суди томонидан, шартномада назарда тутилган ҳолларда ёки тарафларнинг келишувига биноан - ҳакамлик суди томонидан кўриб чиқилади.

6. Форс — мажор

6.1 Томонларга боғлиқ бўлмаган ҳолатлар «ёнгин, сув тошқини, шу каби бошқа ҳолатларда ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари», агар тегишли ҳужжатлар билан тасдиқланган тақдирда мажбурийят бажарилмаганлиги учун томонлар жавобгарлигидан озод этилади.

6.2 Юқоридаги ҳолатлар юзасидан дарҳол хабарнома юборилиши мажбурийдир.

7. Бошқа шартлар

7.1 Шартнома ҳар иккала томоннинг бевосита келишувига биноан бекор қилиниши мумкин.

7.2 Барча ўзгартириш ва қўшимчалар ёзма равишда расмийлаштирилган ҳамда ҳар икки томонларнинг ваколатли вакиллари имзоси ва муҳрлари бўлган тақдирда ҳисобга олинади.

7.3 Мазкур шартнома икки нусхада тузилган бўлиб, унинг бир нусхаси «Етказиб берувчи» да, иккинчи нусхаси «Буюртмачи»да сақланади ва иккала нусхаси ҳам ҳуқуқий жиҳатдан тенг кучли ҳисобланади.

8. Шартнома муддати

8.1 Шартнома «Буюртмачи» ва «Етказиб берувчи» томонидан имзоланиб, тегишли Ҳазначилик бўлинмасидан рўйхатдан ўтгандан сўнг кучга киради ва 2022 йил «31» декабрга қадар амал қилади.

9. Томонларнинг ҳуқуқий манзили ва банк реквизитлари

«Етказиб берувчи»

«Буюртмачи»

Мустаҳкам Тех” МЧЖ

Манзил: Андижон вилояти Улуғнор туман.

ИНН: 308613963

х/р: 2020 8000 9054 0806 8001

Банк: “Агробанк” АТБ Улуғнор филиали

МФО: 00055

Улуғнор туман ҳокимлиги

Манзил: А.Навоий кўчаси 1-уй

Ш.х.в: 305022860032177109601018001

ИНН : 200273921 ОКОНХ: 97600

Ўзб. Респ. Молия ваз. Ҳазначилиги

Ғазна х/р:23402000300100001010

Банк: МБ ББ ХККМ Тошкент ш.


МФО: 00014 ИНН:201122919

Раҳбар: _____ А.Ҳақимов

Раҳбар: _____ А.Ҳамроқулов



ЮРИСТ: _____



2022 йил 08 август кунги № Е-80
сонли шартномага илова

№	Махсулот (товар) номи	Основные характеристики	Ўлчов бирлиги	Микдори	Нархи	Сумма
1	Фудболка	Беш ташаббус логатипи туширилган оқ фудболка	ШТ	300	21000	6 300 000
2	Кепка	Беш ташаббус логатипи туширилган оқ кепка	ШТ	300	27000	8 100 000
	ЖАМИ					14 400 000

14 400 000 (ўн тўрт миллион тўрт юз минг) сўм

Етказиб берувчи:
Мустахкам Тех” МЧЖ



А.Хакимов

Бюртмачи:
Улуғнор туман хокимлиги



А.Хамроқулов